



ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СТАНДАРТЛАРИГА МОСЛАШТИРИШ

Файзиева Наргиза

Самарқанд вилоят адлия бошкармаси

Ҳуқуқий ахборот шўъбаси бош маслаҳатчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослашуви назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида Конституциявий суднинг институционал мустақиллиги, инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича мурожаат қилиш имкониятлари, суд қарорларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги таъсири ва халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти таҳлил қилинди. Мақола ўз илмий янгилиги билан конституциявий назоратнинг мазмунан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган концептуал моделини таклиф қилади, шунингдек, уни такомиллаштиришга оид илмий-ҳуқуқий таклифларни илгари сурди. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимини халқаро стандартлар асосида самарали амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: конституциявий назорат, инсон ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, конституциявий суд.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи нафақат миллий ҳуқуқий тизимлар, балки бутун халқаро ҳамжамият учун устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш эса самарали ва таъсирчан ҳуқуқий механизмлар мавжудлигини тақозо этади. Шундай механизмлардан энг муҳими сифатида конституциявий назорат институтинамоён бўлади.

Конституциявий назорат давлатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин тутди. Айни пайтда, глобаллашув жараёнлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ тизимларига интеграцияси кучайиб бораётган шароитда конституциявий назорат тизимининг **халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослигимасаласи** алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.



Халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда минтақавий ҳужжатлар давлатлардан инсон ҳуқуқларини таъминлашда самарали суд назорати механизмларини жорий этишни талаб қилади. Ушбу стандартларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда конституциявий судлар мустақиллиги, қарорларининг мажбурийлиги, шахсларнинг судга мурожаат қилиш имконияти ва инсон ҳуқуқларига йўналтирилган ҳуқуқий талқин устувор аҳамиятга эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлар, жумладан, 2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Конституция инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишни мустақамлади. Мазкур ислохотлар шароитида конституциявий назорат тизимининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослашув даражасини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати янада ортмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги конституциявий назорат механизмида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини қўллаш, уларни конституциявий талқин қилиш ҳамда Конституциявий суд қарорларида инсон ҳуқуқларига устувор ёндашувни таъминлаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, халқаро шартномалар нормаларининг конституциявий назорат жараёнида тўғридан-тўғри қўлланилиши, фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятлари ҳамда суд қарорларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий таъсири масалалари илмий тадқиқотни талаб этади.

Мазкур мақоланинг мақсади Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мувофиқлигини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган илмий-ҳуқуқий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Мақолада киёсий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли ёндашув ва ҳуқуқий талқин усулларида фойдаланилади.

Конституциявий назорат давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган махсус ҳуқуқий институт ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси Конституциянинг олий юридик кучини таъминлаш орқали қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Замонавий конституциявий назарияда конституциявий назорат фақат давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш воситаси эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг олий даражадаги институционал кафолати сифатида қаралади [1]. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи



назаридан, конституциявий назоратнинг аҳамияти шундаки, у норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали инсон ҳуқуқларини чеклашнинг қонунийлиги ва конституциявийлигини баҳолаш имконини беради. Конституцияда мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар қонун ижодкорлиги ёки ижро этувчи ҳокимият фаолияти натижасида бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлган шароитда, конституциявий назорат ушбу хавфларни олдиндан бартараф этишга хизмат қилади. Шу маънода, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг превентив ва реставратив функцияларини бажаради [2].

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш давлатларнинг халқаро мажбурияти ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга бўлиши лозимлиги белгиланган [3]. Ушбу қоида кейинчалик Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий норма сифатида мустаҳкамланиб, давлатлардан мустақил ва ҳолис суд органлари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилади [4].

Мазкур халқаро стандартлар конституциявий назорат тизимига ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, конституциявий судлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда фаол иштирок этиши лозимлигини назарда тутди. БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ўзининг расмий умумий изохларида инсон ҳуқуқларини таъминлашда фақат оддий суд назорати эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширувчи самарали механизмлар мавжуд бўлиши зарурлигини таъкидлайди [5]. Бу эса конституциявий назоратни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга эга институти сифатида баҳолашга асос бўлади.

Шу билан бирга, халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари конституциявий назорат тизимига муайян сифат талабларини қўяди. Жумладан, конституциявий суднинг институционал мустақиллиги, қарорларининг мажбурийлиги, инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича мурожаат қилиш имкониятларининг мавжудлиги ҳамда суд қарорларида инсон ҳуқуқларига устувор ёндашув таъминланиши лозим. Бу талаблар инсон ҳуқуқларини фақат формал эътироф этиш эмас, балки уларни амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган конституциявий назорат моделини шакллантиришни тақозо этади [6].

Замонавий конституциявий-ҳуқуқий доктринада миллий конституция нормаларини талқин қилишда халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларидан фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Бундай ёндашув инсон ҳуқуқларини таъминлашда энг мақбул ҳуқуқий ечимни танлашга



қаратилган бўлиб, у миллий ҳуқуқ тизими ва халқаро ҳуқуқ ўртасида мазмунли уйғунликни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, конституциявий назорат тизимини халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослаштириш давлатнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини ифодаловчи муҳим ҳуқуқий кўрсаткич сифатида намоён бўлади [7].

Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муҳим институционал механизм сифатида шаклланган. Конституциявий назорат Конституциявий суд орқали амалга оширилиб, мазкур орган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш ваколатига эга. Бу эса конституциявий назоратнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда билвосита, бироқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади [8].

2023 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлат фаолиятининг устувор йўналиши сифатида мустаҳкамланди. Конституцияда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани конституциявий назорат тизими олдида инсон ҳуқуқларига йўналтирилган ҳуқуқий талқинни таъминлаш вазифасини қўяди [9]. Бироқ мазкур конституциявий қоидаларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш даражаси илмий-ҳуқуқий таҳлилни талаб этади.

Амалда Конституциявий суд фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд бўлса-да, улар тизимли ва изчил характерга эга эмас. Суд қарорларида асосан миллий қонунчилик нормаларига таянилган ҳолда ҳулосалар чиқарилиб, халқаро шартномалар нормалари кўп ҳолларда мустақил ҳуқуқий аргумент сифатида қўлланилмайди. Бу эса халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларининг конституциявий назорат жараёнида тўлиқ интеграция қилинмаганлигидан далолат беради [10].

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилган халқаро шартномаларини самарали амалга ошириш учун тегишли институционал механизмларни яратиши шарт. БМТ Инсон ҳуқуқлари кўмитаси давлатларнинг халқаро мажбуриятлари фақат норматив даражада эмас, балки суд амалиёти орқали ҳам таъминланиши лозимлигини таъкидлайди [11]. Шу нуқтаи назардан, Конституциявий суд фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларининг етарли даражада акс этмаслиги муайян институционал ва процессуал муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Мазкур муаммолардан бири фуқароларнинг Конституциявий судга



мурожаат қилиш имкониятларининг чекланганлигидир. Халқаро амалиётда, хусусан, Европа давлатларида индивидуал конституциявий шикоят институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси сифатида кенг қўлланилади. Ўзбекистонда эса конституциявий назорат асосан ваколатли субъектлар орқали амалга оширилиб, бу ҳолат шахсларнинг конституциявий адолатга тўғридан-тўғри етиб бориш имкониятларини чеклайди [12].

Шунингдек, Конституциявий суд қарорларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий таъсири масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига кўра, суд қарорлари фақат юридик жиҳатдан мажбурий бўлиб қолмасдан, уларнинг ижроси самарали таъминланиши лозим. Амалда эса конституциявий суд қарорларининг ижроси ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсирини баҳолаш механизми етарли даражада шаклланмаган [13].

Юқорида кайд этилган ҳолатлар Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимини халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослаштириш жараёнида концептуал ёндашувга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Бу жараён фақат норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан чекланиб қолмасдан, конституциявий суд амалиётида инсон ҳуқуқларига устувор ёндашувни шакллантиришни ҳам талаб қилади. Акс ҳолда, халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларининг миллий конституциявий назорат тизимидаги роли формал тусда қолиб кетиши хавфи мавжуд [14].

Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимини халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослаштириш масаласи фақат қонунчиликни формал такомиллаштириш билан чекланмасдан, мазкур институтнинг мазмунан инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган концептуал моделини шакллантиришни талаб этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, конституциявий назоратнинг самарадорлиги унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган функционал йўналиши билан бевосита боғлиқ [15].

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларига кўра, Германия, Испания, Жанубий Корея каби давлатларда конституциявий назорат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг марказий механизми сифатида шаклланган. Хусусан, ушбу давлатларда индивидуал конституциявий шикоят институти жорий этилган бўлиб, у шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқлари бузилган тақдирда бевосита конституциявий судга мурожаат қилиш имконини беради. Бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлашда суд ҳимоясининг юқори даражадаги кафолатини таъминлайди [16].

Ўзбекистон шароитида ҳам конституциявий назорат тизимини



халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослаштиришда фуқароларнинг конституциявий адолатга етиб бориш имкониятларини кенгайтириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқ доктринасига мувофиқ, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи марказий ўрин тутати ва мазкур ҳуқуқнинг чекланганлиги инсон ҳуқуқлари кафолатларини заифлаштирати [17].

Шунингдек, конституциявий суд амалиётида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини қўллашда инсон ҳуқуқларига йўналтирилган ҳуқуқий талқинни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Европа инсон ҳуқуқлари суди амалиётида кенг қўлланиладиган инсон ҳуқуқларини энг мақбул таъминловчи талқин тамойили миллий конституциявий судлар фаолиятида ҳам устувор аҳамият касб этиши лозим. Бу тамойил инсон ҳуқуқларини чекловчи нормаларни баҳолашда мутаносиблик ва зарурият мезонларини қатъий қўллашни тақозо этади [18].

Конституциявий назорат тизимини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши Конституциявий суд қарорларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий таъсирини оширишдан иборат. Халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига кўра, суд қарорлари қабул қилиниши билан чекланиб қолмасдан, уларнинг ижроси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсири таъминланиши лозим. Шу мақсадда, конституциявий суд қарорларининг ижросини мониторинг қилиш ва уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таъсирини баҳолаш механизминини жорий этиш мақсадга мувофиқ [19].

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги илмий-ҳуқуқий таклифларни илгари суриш мумкин: биринчидан, Конституциявий суд фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари шартномаларини ҳуқуқий талқиннинг мустақил манбаи сифатида қўллаш амалиётини кенгайтириш; иккинчидан, инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича конституциявий назоратни амалга оширишда инсон ҳуқуқларига устувор ёндашувни норматив даражада мустаҳкамлаш; учинчидан, фуқароларнинг конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятларини босқичма-босқич кенгайтириш [20].

Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мазмунан ва институционал жиҳатдан мослашувини таъминлаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали ва таъсирчан механизмларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса давлатнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини намоён этувчи муҳим ҳуқуқий кўрсаткич сифатида баҳоланиши мумкин [21].



Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат тизимининг халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мувофиқлиги назарий ва амалий жиҳатдан комплекс таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари конституциявий назорат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат ҳокимияти фаолиятини чекловчи ва ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи олий институционал қафолат сифатида намоён бўлишини кўрсатди.

Таҳлил жараёнида халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари, хусусан, БМТ ва минтақавий инсон ҳуқуқлари ҳужжатларида мустаҳкамланган талаблар конституциявий назорат тизимига нисбатан муайян сифат мезонларини белгилаши аниқланди. Ушбу мезонлар конституциявий судларнинг институционал мустақиллиги, инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича мурожаат қилиш имкониятларининг мавжудлиги, суд қарорларида инсон ҳуқуқларига устувор ёндашув ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқий талқинда инобатга олиш зарурлигини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалар мавжуд бўлишига қарамасдан, халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларини қўллаш амалиётида муайян институционал ва процессуал муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатди. Жумладан, халқаро шартномалар нормаларининг Конституциявий суд амалиётида мустақил ҳуқуқий манба сифатида қўлланилишининг чекланганлиги, фуқароларнинг конституциявий адолатга тўғридан-тўғри етиб бориш имкониятларининг етарли эмаслиги ҳамда суд қарорларининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги амалий таъсирини баҳолаш механизмнинг шаклланмаганлиги аниқланди.

Мақолада илк бор Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат тизимини халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мослаштириш масаласи институционал ва функционал жиҳатдан комплекс ёндошув асосида баҳоланди ҳамда уни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-ҳуқуқий таклифлар илгари сурилди. Хусусан, Конституциявий суд фаолиятида халқаро инсон ҳуқуқлари шартномаларини ҳуқуқий талқиннинг тўғридан-тўғри манбаи сифатида қўллаш амалиётини кенгайтириш, инсон ҳуқуқларига устувор ҳуқуқий талқин тамойилини институционал даражада мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятларини босқичма-босқич кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди. Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда конституциявий назорат тизимини халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мазмунан мослаштириш инсон



хуқуқларини таъминлашнинг самарали ва таъсирчан механизмларини шакллантиришга хизмат қилишини кўрсатади. Мазкур хулосаларнинг амалий қўлланилиши миллий конституциявий адолат тизимини ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини давлат ҳокимияти фаолиятининг устувор қадрияти сифатида таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cappelletti, M. (1989). *Қиёсий нуқтаи назардан суд жараёни*. Oxford University Press.
2. Kelsen, H. (1942). *Қонунчилик устидан суд назорати: Австрия ва Америка Конституцияларининг қиёсий таҳлили*. Journal of Politics, 4(2), 183–200.
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. (1948). *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси*.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. (1966). *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт*.
5. БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси. (2004). *31-сонли умумий изох: Пакт иштирокчи давлатлар зиммасига юклатилган умумий ҳуқуқий мажбуриятнинг моҳияти*.
7. Европа демократия орқали ҳуқуқ учун комиссияси (Венеция комиссияси). (2010). *Конституциявий адолатга индивидуал мурожаат қилиш бўйича ҳисобот*.
8. Европа Инсон ҳуқуқлари суди. (2019). *Европа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 13-моддаси бўйича қўлланма*.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023). *Расмий матн*.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди. (2023). *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидаги қонун*.
11. Европа демократия орқали ҳуқуқ учун комиссияси (Венеция комиссияси). (2016). *Қонун устуворлиги бўйича текширув рўйхати (Rule of Law Checklist)*.